



БУЙРУҚ МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ТУРИ СИФАТИДА

Рузиева Нафосат

ЎзДЖТУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6468377>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-aprel 2022

Ma'qullandi: 10- aprel 2022

Chop etildi: 14- aprel 2022

KALIT SO'ZLAR

юзага келувчи ҳис-
туйғуси, хоҳиш ва
истаги, қувонч ва
қайғуси, азоб-уқубати,
нафрати, талаби ва
буйруғи сингари руҳий
ҳолатларини ифода
этувчи сўз туркуми

ANNOTATSIYA

Мақолада буйруқ ундов категориясининг бир
элементи эканлиги ва у инсонларда кузатиладиган
руҳий ҳолатлар, яъни ҳар бир шахснинг ташқи олам
билан боғлиқлиги натижасида юзага келувчи ҳис-
туйғуси, хоҳиш ва истаги, қувонч ва қайғуси, азоб-
уқубати, нафрати, талаби ва буйруғи сингари руҳий
ҳолатларини ифода этувчи сўз туркуми эканлиги ва у
модаллик негизда шакилланганлиги ҳақида баён
этилган.

Тилшуносликда сўзлашув
жараёнида фикр-мулоҳазаларнинг
нуфузини оширувчи модаллик
категорияси бўйича етакчи олимлар
томонидан кўпгина тадқиқотлар амалга
оширилган. Жумладан: Е.В. Фомичева,
В.З. Панфилов, Т.Б. Алисова, М.А.
Абдураззоқов, Ғ.Абдурахмонов, Ғ.Н.
Зикриллаев, Ж.А. Ёқубов, С.Ў.
Боймирзаева, Ш. Раҳматуллаев, А.
Ҳожиёв, А.А. Мўминова, М.М.
Жўраевлар ўз тадқиқотларида ушбу
категория ҳақида сўз юритганлар.

Модаллик категорияси кенг
доирани ўз ичига олган категория
бўлиб, “унинг мазмуни ва унинг ҳажми
ҳақида ягона фикр йўқ. Масаланинг
мураккаблашиб кетиши шу билан
изоҳланадики, лингвистик модаллик
билан мантиқий модаллик бир-бирига

тўлалигича мос келмайди. Модаллик
ҳам тилшуносликнинг, ҳам мантиқнинг
ўрганиш объектидир. Биринчисида –
модаллик гапнинг энг муҳим белгиси
сифатида қаралса, иккинчисида –
тафаккур шакли сифатидаги ҳукмнинг
муҳим белгиси сифатида қаралади”
(Ёқубов, 2003, б. 54-56).

М.М. Жўраеванинг
таъкидлашича, “Модаллик
категориясининг намоён бўлишида бу
қадар кенг имкониятлар мавжудлиги,
ушбу категориянинг умумлисоний
ҳодиса эканлигидан ва унинг
ўрганилиши тил қурилишининг
моҳиятини англаш учун муҳимлигидан
далолат беради” (Жўраева, 2017, б. 13).

Модаллик семантик категория
сифатида ҳар хил маъноларни ифода
қилиши мумкин. Жумладан:



модалликнинг қуйидаги маънолари мавжуд:

- *реал-нореал*;
- *мумкинлик*;
- *зарурият*;
- *истак*;
- *тасдиқ-инкор* ва ҳ.к.

Модаллик категориясининг ушбу семантик маънолари тилда ҳар хил лисоний воситалар ёрдамида ифодааниши мумкин:

- лексик воситалар;
- морфологик воситалар;
- синтактик воситалар.

Масалан, майл шакллари, феъл замонлари, шунингдек, баъзи боғловчилар ва юкламалар сўзловчи томонидан гап мазмунининг реал ва нореаллигини, модаллик маъносини ифодалаш учун илтимос, нафрат, тасдиқ, ажабланиш, хурсанд бўлиш, зарурият, рад этиш, рухсат семаларини ифодалаш учун хизмат қилади. Сўзловчи тингловчига оҳанг ва махсус лексик бирликлар ёрдамида гап мазмунидаги эмоционал ҳолатларни намоён этади. Одатда бундай махсус сўзлар сифатида *яхши*, *ёмон*, *ажойиб*, *уят*, *қўрқинч*, *даҳшат* каби сўзлар қўлланилади.

Ж.А. Ёқубов ўринли таъкидлашича, “модаллик категориясига гап модаллигини таъминлашда хизмат қиладиган хилма-хил воситалар киритилади” (Ёқубов, 2003, б. 56).

Бугунги кунда тилшуносликда модаллик категориясини ўрганиш қуйидаги ёндашувлар асосида олиб борилади:

- 1) семантик-грамматик ёндашув;
- 2) функционал-семантик ёндашув;

3) семантик-коммуникатив ёндашув;

4) семантик-прагматик ёндашув.

Модаллик категориясини у ёки бу ёндашув асосида ўрганишда унинг турли жиҳатлари инобатга олинади, хусусан унинг коммуникатив вазифаси, гап мазмунининг реал ва нореаллиги, воқеъликларнинг мумкин-эҳтимоллиги, зарур-кераклиги, истак-ҳоҳишлилиги, ишончлилиги, тасдиқ ва инкор маъно, эмоционал ҳолатлар.

Е.В. Фомичеванинг ёзишича, функционал-семантик категорияси майдон тузилишига эга бўлиб, унинг асосий хусусияти турли тил даражалари воситаларининг семантик функциясининг умумийлигидир. Функционал-семантик майдон марказга эга бу соҳанинг маъносини энг аниқ ифодаловчи шакллар гуруҳидир. Марказ атрофида периферик шакллар мавжуд бўлиб, периферия орқали ҳар бир майдон кесишмалар ва босқичма-босқич бошқа соҳалар чегарасига киради, натижада барча майдонлар тил тизимининг бир узлуксиз тузилишини ташкил қилади. Функционал-семантик категория ўз майдон тузилишига эга. Шу билан бирга, модаллик категориясининг ўзгармас маъноси туртки берувчининг ихтиёрий реакцияси интенсивлиги даражасида бир-биридан фарқ қилувчи бир қанча турли модал-экспрессив вариантларни ўз ичига олади (Фомичева, 2009, б. 156).

Модаллик категорияси воқеъликни турли баҳолашда ўз аксини топади. Бунда воқеъликни қуйидаги мезонлар бўйича баҳолаш мумкин:

- мумкинлик/эҳтимоллик мезони;



- зарурийлик/кераклилик мезони;
- истак-ҳоҳиш мезони.

Шунингдек, воқеиликка баҳо беришда предметлар орасидаги мавжудлик ёки мавжуд эмаслик ҳолатидаги алоқалар, белгилар ва гапдаги реал ҳаракатлар ҳам инobatга олинади. Бундан ташқари, воқеиликнинг ишончилилик жиҳати ҳам катта аҳамиятга моликдир.

А.А. Мўминованинг таъкидлашича, “нутқ жараёни инсон ҳаётидаги муҳим омил ҳисобланади. Нутқий мулоқотда гап маълум қонун-қоидалар асосида тузилади. Гап тузилиши гап семантикаси билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, гап семантикаси доирасида модалликнинг ундаш маъноси алоҳида аҳамият касб этади” (Мўминова, 2021, б. 58). Тилшуносликка оид кўпгина манбаларда ундов икки нуқтаи назардан берилади:

1) модаллик категориясининг тури сифатида (Е.В. Фомичева, Ж.А. Ёқубов, В.Е. Иосифова, Е.И. Беляева, Г.И. Муллаянова, О.В. Гончарова, А.И. Изотовлар ва бошқ.);

2) мустақил категория сифатида (И.П. Сусов, Е.В. Лобанова, А.Ю. Маслова, Б.А. Абрамов, А.Е. Волкова, Е.Е. Корди, А.О. Любимов, Ц. Саранцацрал, Е.А. Филатова, К.С. Неустроев ва бошқ.).

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турганидек, ундов тушунчаси сўзловчининг тингловчига мурожаати, хитоб қилиши, фикрни жалб этиши маъноларини ифодалаб келганида сўз туркуми сифатида қаралади.

Ундов инсонларда кузатиладиган руҳий ҳолатлар, яъни “инсоннинг ташқи

олам билан муносабати натижасида юзага келувчи ҳис-ҳаяжони, хоҳиш ва истаги, қувонч ва қайғуси, азоб ва нафрати, талаб ва буйруғи сингари руҳий ҳолатларини ифода этувчи сўз туркумидир” (Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1966, б. 363). И.П. Сусовнинг фикрича: «Ундов – бу коммуникатив маъно ёки бошқа терминология билан айтганда, лингвистик мулоқотнинг мақсадли томони мужассамланадиган иллокацион куч. Унинг ўзига хос мазмуни ошкор қилинган бошланғич вазият ёки ишларнинг бошланғич ҳолатининг ўзаро таъсирини, сўзловчининг лингвистик воситалар билан ишлайдиган ҳаракатини ёки нутқ актини, тингловчининг нутқ актини идрок этиш ва тушуниш бўйича ҳаракатини таҳлил қилишдан келиб чиқади. (Сусов, 1988, б. 125).

Модаллик функционал-семантик категориясининг муҳим таркибий қисми бўлган ундов воқелик ўртасида жонли боғлиқ ўрнатади. Гапнинг прагматик томонига мурожаат қилсак, унинг коммуникатив нуқтаи назарини шакллантиришда бевосита иштирок этишини кўришимиз мумкин.

Ш. Шоабдурахмонов ва бошқалар таъкидлашича, “махсус экспрессив семантик маъно, яъни ҳис-ҳаяжон, буйруқ-хитоб ифодалаш учун ишлатиладиган сўзлар ундов деб аталади. Ундовлар бошқа сўз туркумларидан турланмаслиги, махсус грамматик кўрсаткичларга ва мустақил сўзлар каби атаб кўрсатиш хусусиятига эга эмаслиги билан фарқланади” (Шоабдурахмонов, 1980, б. 440).

Ҳозирги ўзбек адабий тили манбасида берилишича, ундов сўзлар



функционал ва семантик жиҳатдан қуйидагича таснифланади:

- ҳис-туйғу ундовлари;
- буйруқ-хитоб ундовлари

(Шоабдурахмонов, 1980, б. 440).

Ундовлар сўзлар модал сўзларга яқин туради. Ифодаланиш маъноси жиҳатидан эса уларнинг бир-биридан фарқини кузатиш мумкин: “Ундовлар сўзловчининг турли ҳис-ҳаяжонини ифодалайди, модал сўзлар эса, фикрнинг аниқлиги-ноаниқлигини ифодалаб, баҳолаб келади ва гапни интеллектуал томондан шакллантиришга ёрдам беради” (Мўминова, 2021, б. 63).

Демак, инсоннинг ҳис-ҳаяжони ва у ёки бу нарсага муносабатини ифодалашда ундовлар катта аҳамиятга эга.

Ундов категорияси, турли хил лингвистик шаклларда турли хил матнларда эксплицит ва имплицит мужассамланади. Адресатнинг иродасини самарали ифодалайди, маълум бир ҳаракат шаклида реакцияга чақиради, ижтимоий аҳамиятга эга.

Ундовлар эмоционал ва императив маъноларни ифодалашга

хизмат қилади. Матн маъносидан уларнинг айнан қайси маънода қўлланилиши аён бўлади.

Дарҳақиқат, ундовнинг миннатдорчилик, шодланиш, завқланиш, койиш, хурсандчилик, ачиниш, раҳм-шавқат, ҳузур, ҳайратланиш, ташаккур, эътироз, жирканиш, мамнуният, пушаймон, алам, ажабланиш, ғам-қайғу, мусибат, зорланиш, нолиш, шикоят, кулфат, дард, зарда, нафратланиш, даҳшат, танбеҳ бериш, ваҳима, қўрқув каби маънолари фақат контекстда аниқланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мисоллар контекстидан ундовларда завқланиш, койиш, хурсандчилик, ачиниш, раҳм-шавқат, ҳузур, ҳайратланиш, ташаккур, эътироз, жирканиш, мамнуният, пушаймон, алам, ажабланиш, ғам-қайғу, мусибат, зорланиш, нолиш, шикоят, кулфат, дард, зарда, нафратланиш, даҳшат, танбеҳ бериш, ваҳима, қўрқув ва бошқа эмоционал ҳолатлар акс эттирилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ёқубов Ж. Лингвистикада модаллик категорияси // Филология масалалари. 2003. № 3-4. – Б. 54-56.
2. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий маданий хусусиятлари: филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Т., 2017. – Б. 13.
3. Мўминова А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундаш категориясининг вербаллашуви: лингвомаданий аспект // Монография. – Т., 2021. – Б. 144.
4. Сусов И.П. Побудительность: деятельностно-коммуникативное и функционально-семантическое представление // Императив в разноструктурных языках. – Л., 1988. С. 125.
5. Фомичева Е.В. Средства выражения побудительности в английском языке в свете семантики и прагматики // Современные проблемы науки и образования. – 2009. – № 4 – С. 156-162.
6. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1966. – Б. 363.
7. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1980. – Б. 440.